

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА СОВЕТ ТУЗУМИГА ҚАРШИ КУРАШ
(1925-1935 ЙИЛЛАР)**

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-15>

**Феруз Бобоев,
ЎзР ФА Тарих институти
катта илмий ходими, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори**

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Фарғона водийсида совет тузумига қарши қуролли ҳаракат тарихига бағишланган. Унда қизил армияга қарши кураш раҳбарлари, уларнинг фаолияти, қуролли ҳаракат динамикаси таҳлил этилган. Шунингдек, кўрбошиларга қарши курашда совет ҳокимиятининг олиб борган сиёсати очиқ берилган.

Калит сўзлар: Большевик, совет ҳокимияти, қуролли ҳаракат, кўрбоши, коллективлаштириш, уламо, қизил армия, “Хужум” ҳаракати, ислом дини.

**БОРЬБА ПРОТИВ СОВЕТСКОЙ ВЛАСТЬЮ В ФЕРГАНСКОЙ
ДОЛИНЕ (1925-1935 ГГ.)**

**Феруз Бобоев,
старший научный сотрудник институт История АН РУз
кандидат исторических наук**

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена истории вооруженного движения против советского режима в Ферганской долине. В нём анализируется главари, борющиеся против красной армии, их деятельность, а также динамика вооруженного движения. Также, раскрывается политика борьбы советской власти против курбашей.


Ключевые слова: Большевик, советская власть, вооруженное движение, курбаша, коллективизация, улема, красная армия, движение «Хужум», исламская религия.

**STRUGGLE AGAINST SOVIET POWER IN THE FERGANA VALLEY
(1925-1935)**

**Feruz Boboev,
Senior Researcher Institute History
of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
Candidate of Historical Sciences**

ANNOTATION

This article is devoted to the history of the armed movement against the Soviet regime in the Fergana valley. It analyzes the leaders fighting against the red army, their



activities, as well as the dynamics of the armed movement. Also, the policy of struggle of the Soviet power against kurbash is revealed.

Key words: The bolshevik soviet government, armed movement, collectivization, the ulama, the red army, movement «Hujum», islamic religion.

Совет тузумига қарши қуролли ҳаракат дастлаб 1918 йил баҳорда Фарғона водийсида бошланиб, кейинчалик бошқа худудларга ҳам ёйилиб кетди. Водийда курашнинг биринчи даври (1918-1924 йиллар) да Мадаминбек ва Шермухаммадбек каби таниқли кўрбошилар раҳбарлик қилди. Кейинчалик Мадаминбекнинг ўлими ва Шермухаммадбекнинг муҳожирликка кетишидан сўнг бошқа кўрбошилар томонидан кураш яна давом эттирилди.

Фарғона водийсида совет тузумига қарши олиб борилган қуролли ҳаракатнинг иккинчи даври (1925-1935 йиллар) да етакчи кўрбошилар Ёрмат Махсум (1882-1929)[1] ва Жонибек Қози (1869-1937) раҳбарлик қилди.


Фарғона водийсида ҳаракат раҳбарлари совет ҳокимиятининг юритаётган сиёсатини чеклаш, маҳаллий аҳолининг манфаатларини инобатга олиш ва улар билан ҳисоблашишга мажбур қилиш мақсадида курашди. Шу мақсад йўлида Жонибек Қози ҳам айтарли натижага эриша олмади. У ўз ҳаракатларини тўхтатиб, муҳожирликка кетишга мажбур бўлди. Шу билан водийда ҳаракат кўлами бироз пасайди. Аммо совет ҳокимияти томонидан “Хужум” ҳаракати ва коллективлаштириш сиёсатининг амалга оширилиши водийда норозилик ҳаракатларини қайтадан бошлаб юборди. Бу ҳаракатларга раҳбарликни яна Ёрмат Махсум ўз қўлига олди. Аммо бу ҳаракат халқ учун ҳам анча қийин бўлди. Чунки ҳаракат иштирокчиларининг от-улов, қурол-яроғ ва озиқ-овқат билан таъминлаш ниҳоятда қийин кечди. Оғир аҳволга келиб қолган аҳоли ҳаракатнинг иқтисодий жиҳатдан таъминлай олмади. Бундай ҳолатда кўрбошилар иқтисодий имкониятлардан маҳрум бўлиб, қизил армия қисмларига нисбатан деярли ҳеч қандай қаршилик кўрсата олмади.

Али Бодомчининг маълумотларига қараганда, 1927 йилнинг охириги кунларида Жонибек Қози ўзининг 200 йигити ва оиласи билан Олой тоғларини тарк этди[2].

Кейинчалик, Фарғона водийсида қуролли ҳаракат яна қайтадан кенг тус олди. Ушбу йилларда жанглари олиб боришда кўрбоши Ёрмат Махсум катта роль ўйнади[3]. Унга нисбатан совет ҳокимияти 1927 йилда амнистия эълон қилди ва у маълум муддат деҳқончилик билан шуғулланди. 1929 йил апрель ойининг охиридан Олтиариқ районига бориб совет ҳокимиятига қарши тарғибот қила бошлади ва натижада 3 ой мобайнида Ёрмат Махсум 40 кишидан иборат гуруҳ ташкил этди. Йигитларининг 50 % и илгари таслим бўлган кўрбошиларнинг йигитларидан таркиб топган эди[4].

Ёрмат Махсум йигитларининг ярми уч линияли рус винтовкаси ва қолганлари эса япон нусхасидаги винтовка ва рус берданкалари билан қуролланган. Гуруҳ, нархи 500 рублдан 1000 рублгача бўлган яхши отлар билан таъминланган эди.

Гуруҳ деҳқонлардан тўлов, солиқ, ем-хашак ва ўзлари учун озиқ-овқат, шунингдек, пул йиғиб олишган. Масалан, 1929 йил августда Риштон районидан



деҳқонлар 2500 рубль пул йиғиб, Ёрмат Махсумга топширди[5]. Чунки совет тузумига қарши олиб борилган қуроли ҳаракат бевосита маҳаллий халқ томонидан олиб борилди ва мазкур ҳаракатни иқтисодий таъминотчилари ҳам бевосита туб аҳолининг ўзидир. Ҳаракатнинг барча иқтисодий ҳаражатлари албатта халқнинг зиммасида бўлган. Шунинг учун қуроли ҳаракатнинг иккинчи босқичи биринчи босқичидек кечмади. Сабаби большевиклар ўлкада мавжуд бўлган бой ва ўзига тўқ хўжаликларни тугатди. Натижада қўрбошилар ўзларининг иқтисодий таянчидан маҳрум бўлди. Бу ҳолат ҳаракат кўламини сусайишига олиб келган асосий омил бўлди. Лекин бу ерда яна бир жиҳатни назардан четда қолдирмаслик керакки, қўрбошиларнинг фаолиятини аҳолининг ҳамма қатлами ҳам қўллаб-қувватлади, деб айтиб бўлмайди. Чунки қўрбошилар аҳолидан озиқ-овқат, кийим-кечак ва ема-хашак беришни талаб қилиб қўйди. Бундай вазиятда қийин шароитда яшаб турган халқнинг аҳволи янада оғирлашди. Бунинг устига кимдаким-ким қўрбошиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватласа, совет ҳокимиятининг душмани сифатида унга тегишли чора кўрилди. Бу ўринда масаланинг иккинчи томонини ҳам қайд этиш керакки, қўрбошиларни қўллаб-қувватлаган кишилар аниқланиб, сиёсий идораларда сўроқ қилинганда, улар ўзини жазоланишдан сақлаб қолиш мақсадида, “босмачи”лар мол-мулкимни тортиб олди, дейиши табиий ҳол, албатта.


Ёрмат Махсумнинг сўнгги қароргоҳларидан бири 1928 - 1929 йилларда Сўхдаги Ҳайдаркон бўлган. Бу пайтда Умар Али Лашкарбоши Қувада, Қўрбоши Лашкарбоши Олтиариқ атрофида, Турдибек Исфарада, Жонибек Қози каби қўрбошилар ҳам Олой тоғларида курашни давом эттираётган эдилар[6].

1929 йил апрель ойида қизил аскарларнинг тўхтовсиз олиб борган ҳарбий операциялари натижасида Наманган, Хўжанд ва Қўқон районларидаги бир қатор гуруҳлар тугатилди[7]. Фарғона водийсидаги таниқли қўрбошилардан бири Ёрмат Махсум 1929 йил бутун ёз ойлари мобайнида қизил аскарлар билан кескин кураш олиб борди.

1929 йил 15 августда Ўзбекистон Компартияси МКнинг қарорига биноан, Ю. Маҳмудов Фарғона округида “босмачилик”ни тугатиш учун ҳарбий участка раҳбари этиб белгиланди[8]. Ёрмат Махсум гуруҳини тугатиш мақсадида Фарғона округига юбориш учун партия ходимларидан махсус гуруҳ ташкил этилди. Бу гуруҳ 17 август куни Қўқонга етиб келди[9]. Шу пайтда Олтиариқ, Марғилон, Боғдод, Риштон районларида Ёрмат Махсумнинг гуруҳи ҳаракат олиб бораётган эди[10].

Ю. Маҳмудов бошчилигидаги комиссия водийга келиб мавжуд вазиятни ўрганди ва тўпланган материаллар таҳлил қилинди. Шундан сўнг Ю. Маҳмудовнинг 1929 йил 9 сентябрдаги ёзма ҳисоботида Ёрмат Махсумнинг гуруҳини тугатиш учун куйидагилар белгиланди:

1. Фарғона округида ишончли кишилардан ГПУ раҳбарлигида маҳаллий аҳолидан кўнгилилар отрядини ташкил этиш.
2. Ёрмат Махсум гуруҳини муваффақиятли тугатиш учун у ҳаракат олиб бораётган районларда деҳқонлар орасида тарғиботни кучайтириш, Фарғона ҳарбий участкасида битта пиёдалар ва битта отлик аскарлар бўлинмасини ташкил этиш.
3. Тез фурсатда Ёрмат Махсум-



нинг оила аъзоларини қамокқа олиш ва аҳолининг унга келиб қўшилишига йўл қўймаслик. 4. ГПУнинг Фарғона ҳарбий участкасидаги вакиллари тарғиботни кучайтириши учун 15 000 рубль аванс белгилаш. 5. Жойлардаги партия органлари батрақлар, ўрта ҳоллар ва паранжини ташлаган аёллар орасида жиддий иш олиб бориш. 6. Ёрмат Махсум ҳаракат қилган районларда қирғиз ва ўзбек халқлари орасида ўз тилларида маърузалар қилишни партия ходимларига юклаш. 7. Риштон, Олтиариқ, Марғилон, Боғдод районларида партия ячейкаларини тезда “бегона” кишилардан тозалаш[11].


Шунингдек, Фарғона округига қилинган сафар хусусида комиссия ходимларининг ёзма ҳисоботларида келтирилишича, Ёрмат Махсум куйи совет органлари ҳамда партияда ҳам кенг алоқаларни йўлга қўйган ва мустаҳкамлаган. Масалан, Қўрғонтепа, Араб ва Қора-Найман сельсоветлари ҳамда Водил партия секретари Ёрмат Махсумни қўллаб-қувватлаган. Чимён партия секретари 300 нафар афғонлар Ёрмат Махсумга ёрдамга келмокда, деб аҳоли орасида сохта хабар тарқатиб, курашга халқни жалб қилмокчи бўлган. Бу далиллардан кўриниб турибдики, Ёрмат Махсум нафақат қишлоқдаги ишчилар билан яхши алоқа ўрнатган, балки совет ҳокимиятига қарши бўлган маҳаллий ҳокимият органлари вакиллари билан ҳам муносабатларни яхши йўлга қўйган ва уларнинг ёрдамлари орқали мустаҳкам асосга эга бўлган[12].

Ёрмат Махсум Фарғона округининг кўп ҳудудларини ўз назорати остига олганэди. Айни вақтда у Марғилон, Олтиариқ, Риштон, Боғдод, Фарғона (айрим ҳудудларида) ва Қирғизистоннинг тоғли жойлари ҳамда Ўзбекистон билан чегарадош ҳудудларда ҳаракат олиб бораётган эди. Ёрмат Махсум аҳоли билан муносабатда диний уламолардан унумли фойдаланди. У ҳатто диний мартабага эга бўлган кишиларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишни ўз йигитларига тайинлаган. Ёрмат Махсумнинг диний уламоларга бўлган бундай ижобий муносабати аҳоли орасида уни мавқеини янада ошишига олиб келди[13].

Ўзбек отлик полки командири Миркомил Миршаропов бригада командири Гареевдан 1929 йил 17 сентябрда олган мактубида, РВС(Инқилобий Ҳарбий Кенгаш) Ўзбекистон ССРдаги Фарғона округининг Фарғона, Қўқон районлари ва Андижон округи ҳамда Қирғизистон ССРнинг Ўш округида ҳаракат олиб бораётган “босмачилар”ни тугатишда фармойиш берилганлигини маълум қилади. Унга кўра, топшириқни бажариш учун отлик аскарлар бўлинмаси, ГПУнинг тезкор қисмлари, милиция ва кўнгиллилар отрядини ажратиш белгиланди. Шунингдек, бу ишга Қирғиз отлик полки ҳам жалб қилиниб, 20 сентябрда Наманган ва Чуст районларида ва Заркентда Истамбек ва Мирваёз Юсуповларнинг гуруҳига қарши юбориш кўрсатилди[14].

Шунга мувофиқ, Фарғона водийсида совет тузумига қарши курашувчи кўрбошиларнинг ҳаракатларини тугатиш учун совет армиясининг турли қисмлари жалб қилинди. Ёрмат Махсумга қарши Нурмат Бекмуродов бошчилигидаги Ўзбек отлик бўлинмаси юборилди[15].

1929 йил 28 ноябрда Водил қишлоғида Эшбой Понсод (Ёрмат Махсумнинг ёрдамчиси), Мўминжон Мирзаев, Холмат Тиллабоев дасталари таслим бўлди. Ёр-



мат Махсум Ўзбек отлик полки ва қирғиз отряди билан Қўрғонча қишлоғида 1929 йил ноябрь ойининг охирида бўлган жангда ўлдирилди[16]. Ёрмат Махсумнинг қолган йигитлари Ўш округининг Фарғона ва Қизилқия райони ҳамда Олтиариқ қишлоғига тарқалиб кетди[17]. Ёрмат Махсумнинг ўлиmidан кейин ҳам водийда бошқа кўрбошилар томонидан совет тузумига қарши кураш яна давом эттирилди.

1929 йил кuzда Фарғона водийсида совет тузумига қарши қуролли ҳаракат яна кучайди. Айнаи пайтда Чотқолда Жонибек Қози ҳам ўз ҳаракатларини кучайтирган эди. 1929 йил 24 октябрда юборилган Қирғиз отлик қисмлари Ранжи қишлоғида Жонибек Қози билан, худди шу куни Мадумар, Истамбек, Сулаймонқул ва Носирхон Тўраларга қарши жанглр олиб борди[18].

Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссари Тошмухамедовнинг 1929 йил 9 декабрдаги “Ўзбекистон ССР ҳудудида босмачилик ҳаракати” номли ҳисоботида келтирилишича, 1929 йилда совет тузумига қарши кураш иштирокчиларининг сонини ўсиши 85 %ни ташкил қилган[19]. 1929 йилда кураш динамикасининг ўсиши фақат Фарғона водийсида эмас, балки Ўзбекистон ССРнинг барча ҳудудларида кузатилади. Бу ҳолат совет ҳокимиятининг республикада амалга оширган сиёсати билан боғлиқ эди. Шунингдек, бунга республикадаги ички вазият билан бир қаторда ташқи омиллар ҳам қисман бўлсада таъсир кўрсатди. Масалан, шу пайтда Афғонистонда ҳокимият тепасига келган Бачаи Сако томонидан кўрбошилар қўллаб қувватланди. Фарғона водийсининг Ёрмат Махсум, Мадумар ва Насирхон Тўра каби кураш раҳбарлари шулар жумласидандир[20].

Айнан 1929 йил Хоразм воҳаси курашнинг энг кучайган марказига айланди. Бироқ кейинги йилларда кураш динамикаси яна пасайди. Шу йилда қизил армия ва бошқа жазо органларининг кўрбошиларга қарши муваффақиятли кураши 50%ни ташкил этган[21]. Бу маълумотлар гарчи кураш иштирокчилари содда ва оддий қуроллар билан қуролланган бўлса-да, қизил армия қисмларига жиддий қаршилиқ кўрсатганлигидан далолат беради. Чунки бу пайтда совет ҳокимиятининг ҳарбий қисмлари ҳарбий жиҳатдан катта устунликка эга бўлиб, уларга қарши курашда муваффақиятга эришиш анча мушкул иш эди. Бундай ҳолат аҳолининг мардонавор кураши ва кўплаб йигитларнинг қурбон бўлиши натижасида юзага келган эди.

Ўзбекистон ССРда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш натижасида колхозларнинг тузилиши, деҳқонларнинг мажбурий суратда жамоа хўжаликларига киритилиши Фарғона водийсида озодлик курашини қайтадан авж олдириб юборди. Фарғона округида 1930 йилда сиёсий аҳвол ниҳоятда кескинлашиб, бу оммавий чиқишларнинг қуролли кўзғолонга ўсиб чиқиш хавфини туғдирган. Оммавий чиқишларнинг ҳудудий камрови кенгайиб борган ва совет ҳокимиятини саросимага солган ўта жиддий сиёсий вазият юзага келган. Бундан ташвишга тушган Ўзбекистон ССР партия ва совет органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари Ўзбекистон КП(б) секретари Лепа, ХКС раиси Файзулла Хўжаев, Ўзбекистон ГПУси раиси Перкон бошчилигида Фарғонага етиб келиб вазиятни юмшатиш бўйича чора-тадбирлар кўришга, ҳатто ёрдамга ОГПУнинг қуролли кучларини чақиришга мажбур бўлганлар[22].

1930 йил баҳорда Қодирбой, Орзумат ва Шодибекларнинг 800 кишилиқ гуруҳига қарши Бирлашган Қирғиз отлиқ дивизияси С.М. Швецев раҳбарлигида ҳужумга ўтди. Натижада ушбу гуруҳ парчаланди. 1930 йилнинг ёзида Талас водийси ва Ўш районида Самат ва Мингибойларнинг гуруҳларига жиддий зарбалар берилди[23].

Сўх районида Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон республикаларининг чегаралари ўзаро туташади. Сўх районида XX аср 20-йиллари охири - 30-йиллари бошларида ўнлаб кўрбошилар дасталари бўлган. Жумладан, бу ерда 1929 - 1934 йилларда Жийлон кўрбоши; 1931 йилда Юсуф кўрбоши; 1932 - 1934 йилларда Лайли лўли фаолият кўрсатди[24].

Хуллас, Фарғона водийсида 1918 йилда бошланган қуролли ҳаракат 1935 йилда якунланди. Ҳаракатнинг 1925 йилдан кейин ҳам давом этишида совет ҳокимиятининг минтақада юритган сиёсати (ер-сув ислоҳоти, “Ҳужум” ҳаракати, вақфларга ва динга бўлган муносабат, коллективлаштириш)дан аҳолининг норозилиги сабаб бўлди. Курашраҳбарларининг фаолияти доимий равишда совет сиёсий идораларида муҳокама қилиб борилди. Уларнинг хатти-ҳаракатлари билан билан боғлиқ барча жиҳатлар чуқур ўрганилди ва кўрбошиларнинг фаолиятига чек қўйиш мақсадида совет ҳокимияти ҳамма усулларни ишга солди. Натижада, Жонибек Қози муҳожирликка кетишга мажбур қилинган бўлса, Ёрмат Махсум эса жангда ўлдирилди. Ҳаракатнинг қолган раҳбарлари ҳам худди шу сингари совет ҳокимияти томонидан мавҳ этилди ва Фарғона водийсида ҳам қуролли ҳаракат мағлубият билан якунланди.

Совет ҳокимияти томонидан гуруҳларни йўқотишда барча усуллар қўлланди. Кўрбошиларни қўллаб-қувватлаб келаётган маҳаллий аҳолига нисбатан ҳам ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий жазо чораларини амалга оширди. Кўрбошилар билан аҳоли ўртасида мавжуд бўлган барча алоқаларни узишга ҳаракат қилинган ва бунга эришилган ҳам. Округларда очлик ва ҳарбий сиқувнинг кучайиши натижасида ҳаракат раҳбарларининг большевиклар сиёсатига қаршилиги сусайтирилди. Кўрбошиларни маҳаллий аҳолидан ташқари Афғонистон, Эрон ва Хитойда яшовчи муҳожирлардан ҳам оладиган ёрдамларидан маҳрум қилиш мақсадида ушбу давлатлар билан мавжуд бўлган чегара участкалари қаттиқ кўриқланди. Большевикларнинг мазкур тадбирлари натижасида кўрбошиларнинг хориж билан алоқаларида мураккабликлар пайдо бўлиб, улар учун барча имкониятлар чеклаб қўйилди. Шундай вазиятда уларга нисбатан доимий равишда ҳарбий ҳаракатларнинг олиб борилиши натижасида 1935 йилга келиб Ўзбекистон ССРда совет тузумига қарши жангларга якун ясалди ва ҳаракат мағлубиятга учради.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ражабов Қ. Ёрмат Махсум // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. –Тошкент: Ўз МЭ нашриёти, 2002. –Б. 484.
2. *Ali Bademci*. 1917 – 1934. Turkistan milliistiklalhareketiveEnverPasa.Cild-1.– Istanbul: “Kutlugyayinlari”,1975.– В. 426.

3. Ражабов Қ. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918 – 1924 й.). – Тошкент: ”Yangi nashr”, 2015. – Б. 177.
4. Ўзбекистон ПДА, 58-фонд, 5-рўйхат, 473-иш, 1-варақ.
5. Ўзбекистон ПДА, 58-фонд, 5-рўйхат, 473-иш, 1-варақ.
6. Ражабов Қ. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918 – 1924 й.). – Тошкент: ”Yangi nashr”, 2015. – Б. 168.
7. Ликвидация басмачества в Ферганский долине // “Правда Востока”, 3 декабря 1929 г.
8. Ўзбекистон ПДА, 58-фонд, 5-рўйхат, 473-иш, 1-варақ.
9. Ўзбекистон ПДА, 58-фонд, 5-рўйхат, 473-иш, 7-варақ.
10. Ўзбекистон ПДА, 58-фонд, 5-рўйхат, 473-иш, 1-варақ.
11. Ўзбекистон ПДА, 58-фонд, 5-рўйхат, 473-иш, 3-варақ.
12. Ўзбекистон ПДА, 58-фонд, 5-рўйхат, 473-иш, 9-варақнинг орқаси.
13. Ўзбекистон ПДА, 58-фонд, 5-рўйхат, 473-иш, 10-варақ.
14. Ўзбекистон ПДА, 58-фонд, 5-рўйхат, 471-иш, 137-варақ.
15. Худойбердиев О. Из истории военного строительства и ликвидации контрреволюции в Средней Азии. –Москва: “Наука”, 1984. – С. 110.
16. БоймирзаҲайитнинг маълумотига қараганда, Ёрмат Махсум 1929 йил 27 ноябрда жангда ўлдирилган. Қаранг: *Dr. Baymirza Hayit*. «Basmacilar» Turkistan Milli Mucadele Tarihi (1917 – 1934). –Ankara, 1997. – В. 298.
17. Ликвидация басмачества в Ферганский долине // “Правда Востока”, 3 декабря 1929 г.
18. Худойбердиев О. Из истории военного строительства и ликвидации контрреволюции в Средней Азии. –Москва: “Наука”, 1984. – С. 110.
19. Ўзбекистон ПДА, 58-фонд, 5-рўйхат, 473-иш, 22-варақ.
20. Ўзбекистон ПДА, 58-фонд, 5-рўйхат, 473-иш, 22-варақ.
21. Ўзбекистон ПДА, 58-фонд, 5-рўйхат, 473-иш, 23-варақ.
22. Расулов Б. Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағонлар ва сургун қилинган деҳқонлар аҳволи (1929 – 1959 йиллар). –Ташкент: «Sharq», 2012. – Б. 164 – 165.
23. Худойбердиев О. Из истории военного строительства и ликвидации контрреволюции в Средней Азии. – С. 111.
24. Ражабов Қ. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918 – 1924 й.). – Б. 170.